

Зокирова Камола Зокировна
Тошкент давлат юридик университети
Криминалистика ва суд экспертизаси
кафедраси магистранти

ОДАМ САВДОСИНИ ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА АНИҚЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

***Аннотация:** Мақолада одам савдоси жинояти бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Хусусан, унда жиноят турлари бўйича одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаш усуллари атрофлича тадқиқ этилган. Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган ҳолатлар бўйича услубий тавсиялар берилган.*

Мақола одам савдосига қарши кураш соҳасида амалга оширилган илмий-амалий тадқиқотлар, назарий-олимлар ҳамда амалиётчи ходимлар фикр-мулоҳазалари асосида тайёрланган. Мақолада соҳада юзага келаётган муаммолар тизимли, ҳуқуқий, илмий-методик жиҳатдан таҳлил этилган, бу юзасидан муаллифлик хулосалари шакллантирилган.

***Калит сўзлар:** одам савдоси, қуллик, ишчи кучи, эксплуатация, шахвоний мақсадлар, вояга етмаганлар, тилантичилик, уй хизматкори.*

Зокирова Камола Зокировна
Магистр кафедрасы криминалистика
и судебной экспертизы
Ташкентского государственного
юридического университета

ОБСТОЯТЕЛЬСТВА ПОДЛЕЖАЩИЕ ДОКАЗЫВАНИЮ ПО ПРЕСТУПЛЕНИЯМ ТОРГОВЛЯ ЛЮДЬМИ

***Аннотация:** В статье анализируются обстоятельства подлежащие доказыванию по преступлениям торговля людьми, с теоретические и практические точки зрения. В частности, подробно рассматриваются методы выявления жертв торговли людьми по видам преступления. При этом даются методические рекомендации по ситуациям, возникающим в правоприменительной практике.*

Статья подготовлена на основе научно-практических исследований и мнений ученых-теоретиков и сотрудников-практиков в области борьбы с торговлей людьми. В статье проанализированы проблемы в данной области с системной, правовой и научно-методической точек зрения, в этой связи даны авторские выводы.

***Ключевые слова:** торговля людьми, рабство, эксплуатация, сексуальная эксплуатация, несовершеннолетние, попрошайничество, домашняя прислуга.*

Zokirova Kamola Zokirovna
*Master student of the Department of Criminalistics
and Forensic Examination of the
Tashkent State Law University*

CIRCUMSTANCES TO BE PROVED FOR THE CRIMES OF HUMAN TRAFFICKING

Annotation: *The article analyzes the circumstances to be proved in the crimes of human trafficking, from the theoretical and practical points of view. In particular, the methods of identifying victims of human trafficking by type of crime are considered in detail. At the same time, methodological recommendations are given on situations that arise in law enforcement practice.*

The article is prepared on the basis of scientific and practical research and opinions of theoretical scientists and practitioners in the field of combating human trafficking. The article analyzes the problems in this area from the system, legal and scientific-methodological points of view, and in this regard, the author's conclusions are given.

Key words: *human trafficking, slavery, exploitation, sexual exploitation, minors, begging, domestic servants.*

Сўнги йилларда одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларнинг содир этиш механизмлари сезиларли равишда мураккаблашиб бораётгани кузатилмоқда. Бу борада, ҳукуматимиз томонидан ҳам ушбу жиноятларга қарши кураш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида” ги қонунини [1] янги таҳрирда қабул қилиниши ёки Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлигининг глобал одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тўғрисидаги ҳисоботларида Ўзбекистон Республикасининг мавқеини яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш вазифасини белгиланиши [2] соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур ҳолат нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки мазкур жиноятларга қарши кураш фаолиятини амалга оширувчи давлат ва нодавлат ташкилотларини ҳам замонавий услубий воситалар билан қуроллантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жиноятнинг криминалистик тавсифининг асосий элементларидан бири исботланувчи лозим бўлган ҳолатлар ҳисобланади [3]. Шу маънода, одам савдоси жинояти бўйича жабрланувчи ва жиноятчининг шахсини аниқлаш терговнинг дастлабки вазифаларидан биридир. Бироқ, жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун дастлаб, одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бу айбдорларни жиноий таъқиб этиш йўли билан келгусида етказилиши мумкин бўлган зиённинг олдини олиш имконини беради.

Мазкур жиноятларни тергов қилишда илк қадам жабрланувчи бор ёки йўқлигини аниқлашдан бошланади. Жабрланувчининг шахсини аниқлаш уларни жабрланувчи сифатида эътироф этиш, кўмак бериш ҳамда ҳимояси бўйича кўриладиган чора-тадбирларнинг дастлабки шарти ҳисобланади [4]. Таъкидлаш жоизки, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда жабрланганларни аниқлаш энг қийин вазифалардан биридир. Мазкур ҳолатни жиноятнинг латентлик хусусияти билан изоҳлаш мумкин.

Тергов амалиётида одам савдоси жабрланувчиларини қандай аниқлаш бўйича аниқ мезонлар белгиланмаган. Бу бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд (кейинги ўринларда – қонунни қўлловчи деб юритилади) қандай услубий қоидаларга таяниши зарурлиги муайян нормативларда кўрсатилмаган. Шу боис, амалиётда жабрланувчининг аниқлашда муайян услубий қийинчиликлар бўлиши табиий. Шундай бўлсада, одам савдосидан жабрланганлар белгиларини пайқаш бўйича тегишли тайёргарликдан ўтган ҳолда одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаш мумкин.

Одам савдоси жинояти жабрланувчиларини аниқлашда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар балки, соғлиқни сақлаш органлари, жамоат ташкилотлари, элчихоналар, диний ташкилотлар, адвокатлар,

жисмоний шахслар (жабрланувчи ўзи, уларнинг қариндошлари ёки дўстлари), жабрланувчи билан бирга бўлган мижозлар [5] ҳам уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб жабрланувчиларни аниқлашда фаоллик кўрсатишлари мумкин. Мазкур маданиятни ОАВ ёрдамида қисқа муддатли видеороликларни кенг жамоатчиликка намойиш этиш орқали шакллантириш мумкин. Бу ўз навбатида, ушбу турдаги жиноятларнинг профилактикаси учун ҳам хизмат қилади.

Жабрланувчининг шахси аниқлангач унинг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда зарар етказилишини олдини олиш мақсадида имкон қадар тезроқ унинг аҳволини баҳолаш лозим. Терговчи ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсларни мамлакат ҳудудига ноқонуний олиб кирилгани (чиқилгани) ёки қонунга зид равишда муҳожир бўлиб юргани, бешафқат муомала билан боғлиқ вазиятга ёки заиф ҳолатга тушиб қолганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Қонунни қўлловчи мазкур вазифани Миграция бўйича халқаро ташкилот билан ҳамкорликда амалга ошириши мумкин.

Терговчи ушбу вазиятда жабрланувчилар сони, уларнинг ёши, нима мақсадда эксплуатация қилинаётгани, жисмоний ва иқтисодий аҳволи қандай эканлиги, одам савдоси қурбонига айланиб қолиши мумкин бўлган бошқа шахслар бор ёки йўқлиги, жиноят жойи, жиноятчиларнинг кимлиги, уларнинг сони, кўриниши, хусусиятлари, ҳимояланиш учун реал потенциал ҳавфнинг даражаси ҳамда ишга алоқадор бошқа ҳолатларни аниқлаши лозим. Жабрланувчининг ёшига қараб, уларга белгиланган тартибда зарур ёрдам чоралари кўрилиши лозим.

Терговчи одам савдоси жабрланувчиларини аниқлашда бир қатор индекаторлардан фойдаланиши мумкин. Мисол учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Бошқармаси томонидан “Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича услубий қўлланмалар тўплами”да ушбу индекаторларни катталар ва ёш болалар учун алоҳида мўлжалланган турлари мавжуд.

Бироқ, ҳар қандай ҳолда ҳам ушбу белгиларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асос бўлади.

Жабрланувчилар катта ёшда бўлганида терговчи қуйидаги белгиларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ:

- жабрланувчи яшаётган жойи ва ишхонасини ўзгартира олмаслиги белгилари;
- жабрланувчи танасидаги кўкарган жойлар ва калтакланганлигининг бошқа белгилари;
- кўркув, ҳавотир ёки ва оғир руҳий кайфиятни намоён бўлиши;
- келиб қолган давлат тилини билмаслик;
- паспорт, иммиграция ҳужжатлари ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги;
- иш берувчи билан бирга яшаш;
- қониқарсиз яшаш шароитлари;
- кўп сонли одамларнинг тор жойда истиқомат қилаётганлиги;
- шахс билан ёлғизликда суҳбатлашиш имконияти йўқлиги;
- жавобларни олдиндан тайёрланганини ёки машқ қилинганлигига ўхшаш ҳолатларни юзага келганлиги;
- иш ҳақини берилмаслиги ёки уни ўта кичик миқдорда эканлиги;
- ўз уйи ёки ишхонасининг манзилини билмаслик;
- тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаслик;
- қарздорлик мажбурияти билан боғлаб қўйилганлиги;
- ижтимоий чекланган имкониятларнинг чекланиши (эркин бозорга бориш, харид қилиш ва х.к.);
- ёлғон ваъдалар асосида ишонтирилиш ҳолатларининг мавжудлиги;
- ўз оиласи ёки яқин қариндошлар билан чекланган алоқалар;
- иш вақтидан ташқари вақтларда ҳам меҳнат қилиш ҳолатлари;
- дам олиш кунларининг мавжуд эмаслиги;
- полицияга топшириш бўйича дўқ-пўписалар қилиниши;

- муҳожирлик мақомини яшириш [6].

Ушбу ҳолатлар жабрланувчини ҳақиқатда муайян субъектлар томонидан назорат қилинаётганлигининг тасдиқлайди.

Одам савдосининг олдини олиш ва унга чек қўйиш тўғрисидаги Протоколнинг 6(4) моддасига мувофиқ, иштирокчи давлатлар одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш чораларини кўриб чиқиш жараёнида жабрланган болаларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга оладилар. Баъзи ҳолларда жабрланувчининг ёши маълум бўлмайди ва у ёш бола эмасмикан, деган савол туғилади [7].

Терговчи вояга етмаган шахсларнинг одам савдоси қурбонига айланганини аниқлашда қуйидаги белгиларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ:

- ота-онаси ёки васийларидан ажратилганлик факти;
- қўркувнинг мавжудлиги, ўз ёшига хос бўлмаган феъл-атворни намойиш қилиш;
- болалар орасида дўстларининг йўқлиги;
- таълим олиш учун таълим муассасасига бормаслик факти;
- ўйнаш учун вақтнинг йўқлиги;
- бошқа болалардан алоҳида ва ҳатто энг содда талабларга мувофиқ бўлмаган шароитларда яшаш;
- бошқа “оила” аъзоларидан алоҳида овқатланиши ёки фақат овқат қолдиқлари билан таомланиши;
- болалар учун тўғри келмайдиган иш билан шуғулланиши;
- катталарнинг ҳамроҳлигисиз бир жойдан бошқа жойга бориши;
- қариндошчилик муносабатларига эга бўлмаган шахслар билан бир гуруҳда ҳаракатланиши;
- одатда шахвоний мақсадларда ёки жисмоний меҳнат учун ишлатиладиган болаларга лойиқ кийимларнинг мавжудлиги;
- ножўя жойларда, масалан фоҳишахоналар ёки фабрикаларда ўйинчоқлар, кўрпа-тўшаклар ва болалар кийимларининг мавжудлиги;

ҳеч ким кузатиб кетмаётган болани ногоҳон топиб олиниси ҳақида гувоҳларнинг кўрсатувлари;

ноқонуний фарзанд қилиб олиш хизматларини аниқланиши.

Терговчи одам савдоси қурбонларидан шахвоний мақсадларда фойдаланиш белгиларини текширишда қуйидагиларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ:

жабрланувчининг ёши ва бозорига қараб бир фоҳишахонадан бошқа фоҳитшахонага ўтиши ёки турли жойларда ишлаши;

уйдан ишга, ишдан уйга, савдо дўконларига доимо кимнингдир ҳамроҳлигида бориши;

жабрланувчи муайян шахснинг “мулки” эканлигига далолат қилувчи татуировкалар ёки бошқа белгиларга эга бўлиши;

узоқ муддат давомида меҳнат қилиш ва жуда кам дам олиши ёки дам олиш кунларига умуман эга бўлмаслик;

иш жойида ухлаш ва яшаш;

турли тилларда сўзлашадиган аёллар билан бир гуруҳда ишлаш;

чекланган захира киймларга эга бўлиш (асосан шахвоний хизматларни кўрсатиш вақтида кийиладиган киймлар);

маҳаллий халқ тилида ёки мижозлар доираси тилида шахвоний ҳаракатларга мансуб бўлган сўзларни билиш (соат, нарх ва х.к.);

ўзининг нақд пулларига эга бўлмаслик;

шахсни тасдиқловчи гувоҳномани тақдим этмаслик;

ҳимояланмаган ёки зўрлик ишлатиб шахвоний ҳаракатлар амалга оширилганлигининг исботловчи ҳолатлар мавжуд;

гумон қилинаётган жабрланувчилар ҳимояланмаган ёки зўрлик ишлатиб амалга ошириладиган шахвоний ҳаракатларни рад этолмасликларининг исботлари мавжуд;

одам олди-сотди қилинганлигининг исботловчи ҳолатлар мавжуд;

аёллар гуруҳлари уюшган гуруҳ назорати остида эканлигининг исботлари мавжуд;

муайян этник, миллий гуруҳларга мансуб аёллар хизматларини таклиф қилаётган фоҳишахоналар ва шунга ўхшаш жойлар тўғрисидаги эълонлар мавжуд;

шаҳвоний хизматлар кўрсатувчи шахслар томонидан маълум этник гуруҳ ёки миллатга мансуб мижозларга хизматларини таклиф қилаётганлиги маълум қилиниши;

мижозлар уларга шаҳвоний хизматларни кўрсатган шахслар рухий тушкунлик ҳолатида эканлигини тасдиқлаши ва х.к.[8].

Жабрланувчининг ишчи кучини эксплуатация қилиш белгилари:

ишлаётган хоналарда гуруҳ бўлиб яшаш, бу хоналардан ташқарига жуда кам чиқиш ёки умуман чиқмаслик;

яшаш учун яроқсиз бўлган иморатларда, масалан қишлоқ хўжалиги ёки саноат иншоотларида ҳаёт кечириш;

бажараётган ишлари учун ҳимояловчи воситалар ёки иссиқ кийимларга эга бўлмаслик;

бошқалардан қолган овқатларни истеъмол қилиш;

ишлаб топган пулларини олиш имконига эга бўлмаслик;

меҳнат шартномасига эга бўлмаслик;

белгиланган вақтдан ортиқ меҳнат қилиш;

ижтимоий хизматлар, масалан иш, транспорт, уй-жой мавжудлиги бўйича иш берувчига боғлиқ бўлиш;

турар жой танлаш имкониятига эга бўлмаслик;

иш берувчининг ҳамроҳлигисиз ҳеч қачон хонадан ташқарига чиқмаслик;

эркин ҳаракатланиш имкониятига эга бўлмаслик;

доимо жарима шаклидаги интизомий жазоларга дучор бўлиш;

ҳақоратланиш, номуносиб муомала, таҳдид ёки зўравонликка дучор бўлиш;

ўзи банд бўлган ишларни бажариш учун оддий тайёргарлик ёки лицензияга эга бўлмаслик;

соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик техникаси тўғрисидаги эълонларнинг мавжуд эмаслиги;

иш берувчи ёки бошқарувчи муҳожир ишчиларни ёллаш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатларни тақдим эта олмаслиги;

иш берувчи ёки бошқарувчилар ишчилар меҳнат ҳақи ведомостларини тақдим эта олмаслиги;

соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик воситалари сифатсиз ёки умуман мавжуд эмаслиги;

меҳнат қонунчилигининг бузилганлиги, ишчилар асбоб-анжомлар, овқат ва уй-жой учун ҳақ тўлашга мажбурлиги ёки буларнинг қиймати ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиниши фактининг мавжудлиги.

Баъзи ҳолатларда жабрланувчи уй хизматкори сифатида ҳам эксплуатация қилинади. Бундай ҳолатларда терговчи қуйидаги белгиларнинг мавжудлигига эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир:

оилада яшаш;

оиладан алоҳида овқатланиш;

шахсий хонага эга бўлмаслик;

умумий фойдаланишдаги хонада ёки номувофиқ жойда ухлаш;

иш берувчининг хабари бўйича бедарак йўқолган сифатида эътироф этилиш, лекин айтилган пайтда иш берувчининг уйда яшашни давом эттириш;

жамоат жойларига бориш учун уйдан кам чиқиш ёки умуман чиқмаслик, иш берувчининг ҳамроҳлигисиз уйдан ҳеч қачон чиқмаслик;

бошқалардан қолган овқатни истеъмол қилиш;

ҳақоратланиш, номуносиб муомала, таҳдид ёки зўравонликка дучор бўлиш.

Одам савдоси қурбонлари тиланчилик ёки кам аҳамиятли жиноятларни содир этиш мақсадларида ҳам эксплуатация қилинади. Ушбу ҳолатларда терговчи қуйидаги белгиларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ:

жамоат жойларда ёки жамоат транспортида асосан тиланчилик билан

шуғулланадиган болалар, кекса кишилар ёки ногирон мухожирлар бўлиши;

тақиқланган гиёҳванд воситаларни сотишда вояга етмаган болалардан фойдаланиш;

жароҳат етказилганлиги натижасида пайдо бўлган жисмоний нуқсонлар, оёқ ва қўлларнинг йўқлиги, ожизликлик ва х.к;

кам сонли катталар ҳамроҳлигида ҳаракатланиш ва бир этник гуруҳга мансуб бўлган катта болалар гуруҳларига кириш;

бир хил миллат ёки этник гуҳга эга бўлган катта киши “топиб олган”, ҳамроҳ билан юрмайдиган вояга етмаган болалар;

жамоат транспортида гуруҳ бўлиб ҳаракатланиш, масалан, поезд бўйлаб орқага ва олдинга юриш;

уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятида иштирок этиш;

бир этник гуруҳ ёки бир миллатга мансуб бўлган жиноий гуруҳга кириш;

кам пул тўплаган ёки ўғирлаган ҳолатларда жазога дучор бўлиш;

ўз гуруҳи аъзолари билан бирга яшаш;

гуруҳ аъзолари билан бирга муайян мамлакатга йўл олиш;

гуруҳ аъзоси сифатида уларнинг ота-оналари бўлмаган катталар билан бирга яшаши;

гуруҳ бўлиб жиноят содир этишнинг янги шакллари юзага келиши;

жабрланганлар сифатида гумон қилинаётган гуруҳ маълум вақт давомида бир неча мамлакатлар бўйлаб ҳаракатланганлигининг исботлари мавжудлиги;

гумон қилинаётган шахслар бошқа мамлакатда тиланчилик қилиш ёки кам аҳамиятли жиноятларни содир этишга жалб этилганлигини тасдиқловчи исботлар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, бугун жиноятчилар томонидан ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб жиноят излари ва усулини яшириши ҳолатлари ҳам кўпайиб бормоқда. Шу сабабли терговчи жабрланувчининг телефони,

интернет трафиғи тахлили ва смс ёзишмаларини текшириши ҳам ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлашга ёрдам беради. Бу борада тергов фаолиятининг криминлистик таъминотини такомиллаштириш жиноятларни ўз вақтида очиш ва олдини олиш имконини беради [9].

Хулоса қилиб айтганда, одам савдоси жиноятларни тергов қилишда конунни қўлловчи юқоридаги услубий тавсияларга риоя этиши тергов иши самарадорлигини оширади. Шу билан бирга, жабрланувчиларнинг мобил алоқа воситаларини ҳам текшириш Ушбу тавсиялар иш юзасидан ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги Одам савдосига қарши кураш тўғрисида (янги тахрир) ЎРҚ-633-сон қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–ПФ-6155-сон Фармониға илова. 265-банд.

3. Фахрутдинов Р. Р. (2010). Обстоятельства, подлежащие доказыванию, по уголовным делам, связанным с торговлей людьми. Царскосельские чтения, IV (XIV), 136-140.

4. Dandurand et al. Human trafficking: Reference guide for Canadian Law Enforcement. (UCFV, RCMP, UNODC, ICCLR, 2005), http://www.icclr.law.ubc.ca/Publications/Reports/HT_Canadian_Law_Enforcement_Guide.pdf

5. Миграция бўйича Халқаро Ташкилот (МХТ). (2007). Одам савдосидан жабрланганларға бевосита ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича МХТ маълумотномаси. Қуйидаги сайтда мавжуд: http://www.iom.int/jahia/webdav/site/myjahiasite/shared/shared/mainsite/published_docs/books/CT%20handbook.pdf

6. Identify and assist a trafficking victim. http://www.unodc.org/documents/human-trafficking/Toolkit-files/08-58296_toolkit-6-4.pdf

7. Dandurand et al. Human trafficking: Reference guide for Canadian Law Enforcement. (UCFV, RCMP, UNODC, ICCLR, 2005), http://www.icclr.law.ubc.ca/Publications/Reports/HT_Canadian_Law_Enforcement_Guide.pdf

8. http://www.unodc.org/documents/human-trafficking/Toolkit-files/08-58296_tool_6-4.pdf

9. Хамидов Бахтиёр (2020). Общетеоретические вопросы совершенствования частных криминалистических методологий в сфере борьбы с киберпреступностью. *Review of law sciences*, 2 (Спецвыпуск), 221-228. doi: 10.24412/2181-919X-2020-221-228